

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 143-ҳадис

143 - عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَتْ: حَسَفَتِ الشَّمْسُ فِي حَيَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمَسْجِدِ، فَقَامَ كَبَّرَ وَصَفَّ النَّاسَ وَرَاءَهُ، فَاقْتَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِرَاءَةً طَوِيلَةً، ثُمَّ كَبَّرَ فَكَبَّرَ كَثِيرًا طَوِيلًا، ثُمَّ رَفَعَ رَأْسَهُ فَقَالَ: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ». ثُمَّ قَامَ فَاقْتَرَأَ قِرَاءَةً طَوِيلَةً، هِيَ أَدْنَى مِنَ الْقِرَاءَةِ الْأُولَى، ثُمَّ كَبَّرَ فَكَبَّرَ كَثِيرًا طَوِيلًا، هُوَ أَدْنَى مِنَ الرَّكُوعِ الْأَوَّلِ، ثُمَّ قَالَ: «سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ». ثُمَّ سَجَدَ - وَلَمْ يَكُنْزِ أَبُو الطَّاهِرِ: ثُمَّ سَجَدَ - ثُمَّ فَعَلَ فِي الرَّكْعَةِ الْأُخْرَى مِثْلَ ذَلِكَ، حَتَّى اسْتَكْمَلَ أَرْبَعَ رَكَعَاتٍ، وَأَرْبَعَ سَجَدَاتٍ، وَأَجْلَلَتِ الشَّمْسُ قَبْلَ أَنْ يَنْصَرِفَ، ثُمَّ قَامَ فَحَطَبَ النَّاسَ، فَأَتَى عَلَى اللَّهِ بِمَا هُوَ أَهْلُهُ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ آيَاتَانِ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ، لَا يَخْسِفَانِ لِمَوْتِ أَحَدٍ وَلَا لِحَيَاتِهِ، فَإِذَا رَأَيْتُمُوهَا فَافْتَرَعُوا لِلصَّلَاةِ». وَقَالَ أَيضًا: «فَصَلُّوا حَتَّى يُفْرَجَ اللَّهُ عَنْكُمْ». وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «رَأَيْتُ فِي مَقَامِي هَذَا كُلَّ شَيْءٍ وَعِدْتُمْ، حَتَّى لَقَدْ رَأَيْتُنِي أُرِيدُ أَنْ أَخَذَ قِطْعًا مِنَ الْجَنَّةِ حِينَ رَأَيْتُمُونِي جَعَلْتُ أُقَدِّمُ - وَقَالَ الْمُرَادِيُّ: أَتَقَدَّمُ - وَلَقَدْ رَأَيْتُ جَهَنَّمَ يَحِطُّمُ بَعْضُهَا بَعْضًا حِينَ رَأَيْتُمُونِي تَأَخَّرْتُ، وَرَأَيْتُ فِيهَا ابْنَ الْحَيِّ، وَهُوَ الَّذِي سَيَّبَ السَّوَابِغَ»، وَانْتَهَى حَدِيثُ أَبِي الطَّاهِرِ عِنْدَ قَوْلِهِ: «فَافْتَرَعُوا لِلصَّلَاةِ». وَلَمْ يَكُنْزِ مَا بَعْدَهُ.

[خ 1044، م 901، ت 561، س 1465، د 1177، ج 1263].

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг завжалари Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳаётликларида қуёш тутилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга чиқдилар. Туриб, такбир (тахрима) айтдилар. Одамлар ортларига саф тортишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узоқ қироат қилдилар. Кейин такбир айтиб, узоқ рукуъ қилдилар. Кейин бошларини кўтариб, **«СамиъАллоҳу лиман ҳамидах, Роббанаа ва лакал-ҳамд»**, дедилар-да, сўнг туриб, узоқ қироат қилдилар. Бу аввалги қироатдан озроқ эди. Кейин такбир айтиб, узоқ рукуъ қилдилар. Бу аввалги рукуъдан озроқ эди. Кейин: **«Самиъаллоҳу лиман ҳамидах, Роббанаа ва лакал-ҳамд»** деб, сўнг сажда қилдилар – Абу Тоҳир «сўнг сажда қилдилар»ни зикр қилмаган – Сўнгра кейинги ракъатда ҳам худди шундай қилдилар. Ниҳоят, мукаммал тўрт рукуъ ва тўрт сажда қилдилар. Қуёш кўринганда ҳали ўгирилмаган эдилар. Кейин туриб, одамларга хутба қилдилар. Аллоҳга У Зотнинг Ўзига яраша сано айтдилар-да, сўнг: **«Қуёш ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидандир. Улар бирор кишининг ўлими ёки туғилиши туфайли тutilмайди. Агар уни кўрсангиз, намозга шошинг»**, дедилар. Яна: **«Аллоҳ уни сиздан кушойиш қилмагунча намоз ўқинг»**, дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Мана шу турган еримда сизларга ваъда қилинган барча нарсани кўрдим. Ҳатто сизлар менинг олдинга қадам босганимни – Муродий «олдинлаганимни»** деб айтган – **кўрганингизда жаннатдан бир шингил олмоқчи бўлган эдим. Сизлар менинг ортга тисарилганимни кўрганингизда эса жаҳаннамнинг ўз-ўзини парчалаётганини кўрдим. У ерда Ибн Луҳайни кўрдим. Соибаларни жорий қилган ўша эди»**.

Абу Тоҳирнинг ҳадиси **«...намозга шошинг»**, деган сўзида тугаган. Ундан уёғини зикр қилмаган.

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

* Кусуф – қуёш тугилиши. Кусуф намози – қуёш тугилганда ўқиладиган намоз.

* «Соиба» луғатда «қўйиб юборилган» деган маънони англатади. Жоҳилият даврининг бузуқ одатларидан бири шу эдики, бир киши сафардан келгани, касалдан тузалгани ёки шунга ўхшаш бирор сабаб туфайли бир туяни олиҳалар учун назр қилар эди. Кейин уни миниш, ишлатиш мумкин бўлмай қолар, сувдан, ўт-ўландан тўсилмас эди. Ана шундай туя «соиба» дейилган.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI